XALQ DEPUTATLARI YANGIOBOD TUMANI KENGASH
QARORI

2022 - yil 6 - yanvar VI-36-1-3-54-K/22 Yangiobod tumani hokimligi

Янгиобод туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 742-сонли Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодексига ва мазкур қонунга ҳамда Жиззах вилояти молия бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги № 01-20-08-01-39/85-сонли хатига асосан 2022 йил учун Янгиобод тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Янгиобод тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман Молия бўлими мудири Т.Шодмонкуловнинг туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Жиззах вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг 4-иловасига мувофиқ Янгиобод тумани бюджетининг даромадлари 18 643 000 минг сўм, 5-иловасига асосан маҳаллий бюджет харажатлари 55 198 042 минг сўм, тартибга солувчи трансферт 38 268 832 минг сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. 2022 йилги туманнинг даромадлар прогноз режа кўрсаткичлари 1-иловага, туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 2-иловага, маҳаллий бюджетнинг 2022 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари ва туман маҳаллий бюджетига ўтказиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори 3-иловага мувофиқ

тасдиқланганлиги маъқуллансин.

4. Қонунга асосан 2022 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетида тўлиқлигича қолдирилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

- цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

- электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)

- Тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгиланган солиқ.

- юридик шахсларнинг фойда солиғи.

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

- юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи.

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

- бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи.

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари).

- харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво ва тамаки махсулотлари учун акциз солиғи тушумлари 2021 йил 1 июл ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

5. Туман маҳаллий бюджети даромадларининг турлари бўйича прогноз

кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 520736 минг. сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини маҳаллий бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

8.2022 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9.Туманнинг туман бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида тегишлича Халқ депутатлари туман Кенгаши қарорлари асосида ишлатилиши белгилансин. Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда туман ҳокимининг қарор ва фармойишларига асосида ишлатилиб кейинчалик Халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб борилсин.

10. Туман ҳокимлиги ва туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

11.Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш

ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

12. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Ражабов), “Янгиобод овози” таҳририяти (А.Муҳаммадиев) мазкур қарор хокимликнинг www.yangiobod.jizzax.uz расмий веб-сайтида ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этилсин ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Қарор эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

14.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **И.Б.Қаршибоев**

Халқ депутатлари Янгиобод туман
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-36-1-3-54-K/22-сон қарорига
1-илова

Янгиобод туман маҳаллий бюджетларининг 2022 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	**Жами даромад**	**шундан**			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	**Солиқ режаси**	**шундан**	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	**Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори**
ЖАМИ	**19 862 210,0**	**4 643 210,0**	**15 219 000,0**	**12 286 000,0**	**2 933 000,0**
Янгиобод тумани	19 862 210,0	4 643 210,0	15 219 000,0	12 286 000,0	2 933 000,0

Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-36-1-3-54-K/22-сон қарорига
2-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджет-ларининг бошқа тушумлари***
1	Янгиобод тумани	100	100	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0

Изоҳ: *** Ер участкаларига булган хукукларни сотишдан тушган пул маблаглари

Бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шахар бюджетига тушумлар

Вилоятга бўйсунадиган туман ва шахар бюджетининг бошка тушумлари

Халқ депутатлари Янгиобод туман
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-36-1-3-54-K/22-сон қарорига
3-илова

Янгиобод туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	**Жами даромадлар**	**шундан**			**Маҳаллий бюджет харажатлари**
		Маҳаллий бюджет даромадлар	**Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)**	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**	
ЖАМИ	**55 198 042,0**	**12 286 000,0**	**4 643 210,0**	**38 268 832,0**	**55 198 042,0**
Янгиобод тумани	55 198 042,0	12 286 000,0	4 643 210,0	38 268 832,0	55 198 042,0

Халқ депутатлари Янгиобод туман
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-36-1-3-54-K/22-сон қарорига
4-илова

Янгиобод тумани бўйича 2022 йил йиллик даромадлар прогноз кўрсаткичлари

минг сўм

№	Манбалар номи	2022 йил учун Контингент режа	шундан	
			туман бюджетига	вилоят бюджетига
	Жами маҳаллий бюджет даромадлари	**18 643 000**	**12 286 000**	**2 933 000**
	Жами солиқ тушумлари	18 643 000	12 286 000	2 933 000
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	224 000	224 000	0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	1 166 000		1 166 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	8 340 000	8 340 000	0
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	144 000	144 000	0
5	Қўшилган қиймат солиғи	3 424 000		
6	Акциз солиғи (бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун)	215 000	215 000	0
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	652 000	652 000	0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	670 000	670 000	0
9	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	534 000	534 000	0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 411 000	1 411 000	0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	56 000	56 000	0
12	Давлат божи	927 000		927 000
13	Жарималар	300 000		300 000
14	Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар	20 000		20 000
15	Хусусийлаштиришдан тушум	200 000		200 000
16	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	40 000,0	40 000	0
17	Йиғимлар	275 000,0		275 000
18	Бошқа тушумлар	45 000		45 000

Халқ депутатлари Янгиобод туман
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-36-1-3-54-K/22-сон қарорига
5-илова

2022 йилги Янгиобод туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Вилоят бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**55 198 042,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**55 198 042,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
1	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**4 231 336,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 231 336,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бошқармаси**	**6 247 848,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 247 848,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**17 001 461,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 001 461,0
	шундан:	
	Туман Соғлиқни сақлаш сақлаш харажатлари	16 930 667,0
	Тиббий-ижтимоий хизматлар бошқармаси	70 794,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бошқармаси**	**1 709 262,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 709 262,0
	шундан:	
	Маданият сақлаш харажатлари	586 113,0
	Мусика мактаби	1 123 149,0
5	**Туризм ва спорт бошқармаси**	**1 002 109,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 002 109,0
	шундан:	
	Спорт сақлаш харажатлари	1 002 109,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Ободонлаштириш бошкармаси)**	**6 140 278,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 140 278,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**499 142,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	499 142,0
	шундан:	
	Қишлоқ хўжалиги булимини сақлаш харажатлари	499 142,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Молия бош бошқармаси**	**912 929,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	912 929,0
	шундан:	
	Молия булими харажатлари	912 929,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Ветеринария бошқармаси**	**437 994,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	437 994,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Бандлик бош бошқармаси**	**615 586,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	615 586,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Давлат ҳокимият органлари**	**15 165 685,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 165 685,0
	шундан:	
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	824 436,0
	Ижтимоий мослашув маркази	40 837,0
	Захира жамғармаси	520 736,0
	Ижтимоий нафақалар	8 200 987,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

13	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Жиззах вилоятидаги ташкилотлари**	**181 690,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	181 690,0
	шундан:	
	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти	181 690,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг вилоятдаги ташкилотлари**	**404 056,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	404 056,0
	шундан:	
	Халқ қабулхонаси	28 965,0
	Туман ахборот кутубхона маркази	375 091,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**319 288,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	319 288,0
	шундан:	
	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари**	**329 378,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	329 378,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Бошқа ташкилотлар**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Янгиобод туман
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-36-1-3-54-K/22-сон қарорига
6-илова

Янгиобод туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Янгиобод тумани	**241 000,0**